КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 12 (9.204) 1999 йил 1 февраль, душанба ◆ Сотувда эркин нархда




ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР •

*Муносабат*

## ЭНГ МУҚАДДАС КУН БЎЛСИН



***Президентимиз Ислом Каримов пойтахтимизнинг Бош майдонида бунёд этилаётган Хотира майдонидаги ишлар билан танишар эканлар, 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш ҳақидаги таклифлари халқимиз дилидаги гаплар бўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз пойтахт кўчаларида кўплаб ҳамшаҳарларимиз ва вилоятлардан келган меҳмонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олишга муваффақ бўлди.***

**• Абдулла ДУШАЕВ, Тошкент вилояти, уруш қатнашчиси:**

— Мен иккинчи жаҳон урушини ўз кўзим билан кўриб ундаги даҳшатларнинг гувоҳи бўлганман. Жуда кўплаб юртдошларимнинг жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлганларини, уларнинг армон билан, яқин ёр-биродарларини кўролмай ҳаётдан кўз юмганларини биламан. Тўғри, ҳозирги сафимиз кундан-кунга камайиб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримов бизнинг кўнглимиздаги гапларни топиб айтдилар. Чиндан ҳам шаҳид кетган ватандошларимизни хотирлаш энг муҳим вазифалардан бири саналади. Шу билан бирга ёшларимиз пиру бадавлат кексаларимизни, ота-оналаримизни қадрига етса, эртага ўзлари ҳам эъзоз топади. Юртбошимизнинг бу эътибори барчани тўлқинлантиргани шубҳасиз.

**• Наргиза ЭРГАШЕВА, уй бекаси:**

— Отам урушда вафот этганлар. Онам эса уларни кўп йиллар кутиб, мен ва укамни катта қилдилар. У киши отамнинг ҳар бир фазилатларини хотирлаб, бизнинг онгимизга сингдирардилар. Гарчи биз отамизни яхши эслай олмасакда, онам таъкидлаганларидек, у кишини мард, қаҳрамон сифатида доимо эслаймиз, хотирамизда шу нарса абадий қолади. Мана ҳозирда ўзим бувиман. Фарзандларим, набираларим ардоғидаман. Ҳақиқатан ҳам инсонларни қадрлаш, уларнинг қилган меҳнатларини эъзозлаш, ота-боболаримиз, улуғ инсонлар хотирасини ёдда тутиш бу энг юксак ва муқаддас туйғудир.

Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг барча оналарни руҳлантирган бу таклифларини чин дилдан қувватлайман. Албатта, яхшилар ёди ҳеч қачон унутилмаганидек, қадрлаган қадр топиши ҳам аниқ.

**• Атҳам ОЛИМБОЕВ, Афғонистон уруши иштирокчиси:**

— Президентимизнинг Хотира ва қадрлаш куни ҳақидаги гапларини тингладиму шаҳид кетган дўстларим бирбир кўз ўнгимдан ўтди. Кўп йиллар ўтса ҳамки, уларнинг таниш чеҳраларини асло унутолмайман. Ҳар йили байрамларда, туғилган кунларида хизматдош дўстларим билан уларни хотирлаб, ота-оналарининг кўнгилларини кўтарамиз.

Энди эса ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунида уларнинг хонадонларида бўлиб, қабрларини зиёрат қилишга, кекса ота-оналари дилига малҳам бўлиб, яқиндан ёрдам беришга аҳд қилдим.

**• Гулнора ҲАКИМОВА, талаба:**

— Ёш авлод ҳамиша ўтганлар — ҳаётимиз фаровонлиги, миллатимиз бирлиги, мустақиллигимиз, фанимиз равнақи йўлида жонини фидо этганлар руҳи покига таъзим қилмоғимиз лозим деб биламан. Зеро, улар биз фарзандларнинг яхши яшашлари, мустаҳкам илм олишлари учун курашганлар. Уларнинг ҳар бир босган қадамлари биз учун ўрнак бўлмоғи даркор. Ана шунда биз ҳам ўзимиздан ёрқин из қолдириб, кейинги авлодлар ортимиздан хотирлаши учун арзигулик иш қилган бўламиз, қадр топамиз. Ўзимиз ўзимизни, ўзлигимизни, миллатимизни қадрлайлик. Хотира ва қадрлаш куни энг муқаддас кунимиз бўлиб қолсин.

*Шоира ИСЛОМОВА ёзиб олди.*

*Саноат*

## ЯРАШИҚЛИ ЛИБОСЛАР

***Шаҳримиздаги «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятида асосан аёллар меҳнат қилишади. Аёллар йилида жамоанинг чевар хотин-қизлари яхши ният ва кўтаринки руҳ билан ишламоқдалар.***



— Жамоамизнинг асосини ташкил этган аёлларимизнинг барчаси меҳнатсевар, ишга чанқоқ, яратувчан десам янглишмаган бўламан, — дейди корхона касаба уюшмаси раиси Қумри Абдуллаева. — Уларнинг орасида узоқ йиллардан бери ҳаётини корхона билан боғлаган, севимли касб сирларини илк бора шу ерда ўрганган, кунига қадрдон жамоаси, ҳамкасблари ҳузурига иштиёқ, умид билан отланадиганлари ҳам, эндигина устозларидан бичиш-тикиш ўгитларини олаётган, завқ билан илғорлар ҳаракатларини кузатаётган ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Чиндан ҳам Германия, Польша ҳамда Россиядан келтирилган тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган асосий цехларда ҳозирда давлат буюртмаси асосида костюм-шимлар тикилмоқда. 320 нафардан ортиқ аёл меҳнат қилаётган 3-ҳамда 4-цехларда айни кунларда кунига 300—350 тадан тайёр маҳсулот тикилмоқда. Албатта, шартнома мажбуриятларини ўз вақтида сифатли адо этиш корхонада яхши йўлга қўйилган. Бунга юқори малакали тикувчиларнинг илғор тажрибалар асосида меҳнат қилишлари асосий омил бўлмоқда.



— Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу йилни Аёллар йили деб эълон қилиб, бизларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишлари барча қатори цехимиз чеварларини ҳам руҳлантириб юборди, — дейди тадбиркор цех бошлиғи Дилором Аъзамова. — Шу боис ҳам ушбу йилда яхши меҳнат кўрсаткичларига эришиш ниятида меҳнат қиляпмиз. Айниқса, зиммаларидаги масъулиятни етарлича англаб маҳсулот сифатини таъминлашга интилаётган Озода Усмонова, Вазира Файзиева, Вазира Йўлдошева, Роза Маҳмудова, Дилбар Тоҳирова, Хатира Набиева сингари чеварлар нафақат цехимиз, балки корхонамизнинг ҳам фахридирлар.

— Аёллар бир ишга киришсалар уни, албатта уддалашга интиладилар, бор имкониятларини ишга соладилар, — дейди 4-цехда 10 йилдан буён ёшларга ибрат бўлаётган чевар Умида Ғуломова. — Фарзандларининг камолини кўриб қувонган аёл, шубҳасиз, ўз меҳнати натижасидан ҳам шодланишни, фахрланишни истайди. Ушбу йилда нафақат давлат буюртмаларини, балки янги, замонавий бичимдаги, харидор эътиборини қозона оладиган костюм-шимлар ҳам тикишни режалаганмиз. Ниятимиз аёллар меҳнат қиладиган жамоа аҳли бу йилда ўз мавқеларини тиклаб, «Юлдуз»нинг довруғини нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам таратсинлар. Зеро, корхонамизда ана шундай яратувчан, изланувчан, юксак дидли, тадбиркор ва ишбилармон аёллар ҳамиша топилади.

*Шафоат ИСМАТОВА.*

*СУРАТЛАРДА: табассум билан боқиб турган бу аёл корхона 4-цехининг нозик дидли чевари Умида Ғуломовадир. У киши ҳамиша ёшларга ўрнак, улардан ёрдамини аямайди; катта уста Насиба Аҳрорхўжаева тикувчи Дилдора Ҳусанова билан.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Тадбиркорлик*

## БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

***«Сергелимебель» бирлашмаси ҳиссадорлик жамияти мебелсозлари ўтган йилни 384 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунлаган эдилар. Албатта, харидор дидини ўрганиш асосида тадбиркор усталар томонидан яратилган турли хил мебель термалари сифати ва бежиримлиги билан эътибор қозонди.***

Буюртмачилар сафини тобора кенгайтириш ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун интилаётган жамоа янги йилни янги маҳсулотлар яратиш билан бошладилар. Биринчи ойда 40 миллион сўмликка яқин мебеллар ишлаб чиқарилган бўлса, айниқса, «Орзу» деб номланган ётоқхона ҳамда «Комила» деб аталувчи меҳмонхона термалари ҳам харидорларга тортиқ этилди.

Шунингдек, корхонада ҳорижий ҳамкорлар билан ишлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Буни жамоада куни кеча очилган «Полилак» қўшма корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Москвадаги «Полимер» акционерлик жамияти билан ҳамкорликда очилган Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида кимё саноати учун керакли бўлган хом ашё — қоришма ҳамда мебель саноатида ишлатиладиган химикат — полилак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қўшма корхона маҳсулотларини четга сотиш ҳам мўлжалланган.

*Шоҳида БОБОЕВА.*

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## «БОЛАЛАР САНЪАТИ — 2000» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИНИНГ МИЛЛИЙ БОСҚИЧИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил июль ойида Вашингтон шаҳри (АҚШ)да ўтказиладиган «Болалар санъати — 2000» халқаро фестивалида қатнашиши муносабати билан, шунингдек болалар санъатини қўллаб-қувватлаш, санъат соҳасида билим олиш учун шарт-шароитлар яратиш, мактаб ўқувчиларининг касб-ҳунар малакаларини ривожлантириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 9 декабрдаги 514-сонли қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов «Болалар санъати — 2000» халқаро фестивалининг миллий босқичини ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисида» қарор қабул қилди.***

Унга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 9 декабрдаги «Болалар санъати — 2000» халқаро фестивалида Ўзбекистон Республикасининг қатнашишига тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги 514-сонли қарори ижро учун қабул қилинди.

Республика ташкилий қўмитасининг 1998 йил 16 декабрдаги «Болалар санъати — 2000» халқаро фестивалининг миллий босқичини ўтказиш тўғрисидаги Низоми асосида Тошкент шаҳрида ушбу тадбир амалга оширилиши таъминланади.

Халқ таълими бош бошқармаси, Маданият ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари Тошкент шаҳар бўлимлари «Болалар санъати — 2000» халқаро фестивалининг миллий босқичига тайёргарлик кўриш учун масъул этиб белгиланди.

«Болалар санъати — 2000» халқаро фестивалининг миллий босқичини Тошкент шаҳри бўйича ўтказишга тайёргарлик кўриш юзасидан ташкилий қўмита таркиби, чора-тадбирлар режаси, болалар санъат асарларини Республика миллий босқичи халқаро фестивалига танлаш бўйича ҳакамлар ҳайъати тасдиқланди.

«Болалар санъати — 2000» халқаро фестивалининг миллий босқичини Тошкент шаҳри бўйича 1999 йил 10 мартга қадар юқори савияда ўтказилиши Халқ таълими бош бошқармаси, Маданият ишлари бош бошқармаси, «Камолот», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг шаҳар бўлимлари зиммасига юклатилди.

«Болалар санъати — 2000» халқаро фестивалининг миллий босқичини Тошкент шаҳри бўйича ўтказиш харажатлари ҳомийлар маблағлари ҳисобига қопланиши маълумот учун қабул қилинди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамда Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг «Тошкент» студиялари зиммасига «Болалар санъати — 2000» халқаро фестивалининг миллий босқичини Тошкент шаҳри бўйича ўтказиш тадбирларини кенг ёритиш топширилди.

**(«Болалар санъати — 2000» халқаро фестивалининг миллий босқичини Тошкент шаҳри бўйича ўтказиш ташкилий қўмитаси мажлиси ҳақидаги ахборотни ва фестивални ўтказиш шартларини газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз).**

*Қўмиталарда*

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

***Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди.***

Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова «1998 йил якунлари ва 1999 — Аёллар йилида хотин-қизларни ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий фаоллигини оширишда хотин-қизлар қўмиталарининг ўрни ва роли» тўғрисида маъруза қилди.

Маъруза юзасидан ва бугунги кундаги долзарб масалалар — аёллар ва ўсмирларнинг ахлоқий кечинмалари, оила қураётган ёшларнинг саломатлиги ва хулқи, маҳаллаларда аёлларнинг ўрни, эркакларнинг бурч ва масъулияти хусусида сўзга чиққанлар алоҳида тўхталиб ўтишди.

Пленум сўнгида ташкилий масалалар ҳам кўрилди.

*Гулбаҳор МЎМИНОВА.*

## ДАВР САДОСИ

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 15 январдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, Республика комиссияси ташкил этилган эди. Ана шу комиссиянинг бўлиб ўтган биринчи ташкилий мажлисида республика банк тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

• Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида Ўзбекистон — Корея ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг етти йиллиги ва элчихона очилганлигининг беш йиллиги муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди.

• Андижонда «Болалар санъати — 2000» фестивали бошланди. Фестиваль вилоятнинг шаҳар ва туманларида давом этмоқда. Унинг ғолиблари вилоят босқичида ўзаро беллашади.

• Баҳористон туманида Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги ходимларининг деҳқон хўжалигини тузиш масалаларига бағишланган амалий семинар-кенгаши ўтказилди.

• Фарғонада вилоят қурилиш индустрияси маҳсулотларининг ярмаркаси ўтказилди.

• Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашида Бангкокдаги XIII Осиё ўйинларида Ўзбекистоннинг Касаба уюшмалари спорти номидан мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган спортчиларни шарафлаш маросими бўлди.

• Ўзбекистон Давлат академик рус драма театрининг янги биносида шу ҳафтада — 6 февраль куни театр мавсумининг очилиш маросими бўлади.

• «Экосан» халқаро жамғармасининг навбатдаги халқаро конференцияси кўҳна ва гўзал Хива шаҳрида бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

• **Кеча** Америка самолётлари Ироқ ҳудудига яна ҳужум қилди. Мамлакатнинг шимолига олтита ракета зарбалари берилди.

• Бокуда Озарбайжоннинг собиқ президенти Р. Элчибей устидан суд жараёни давом этмоқда.

• Ядровий технологиялардан фойдаланишга қарши бўлган халқаро ташкилотлардан бир гуруҳи Япония ҳукуматидан мамлакатга ядровий ёқилғи келтириш ниятидан воз кечишни талаб қилди.

• **Кеча** Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Марказий клиник касалхонадан чиқди. Маълумки, у бу ерда ошқозон яраси хасталигидан даволанаётган эди. Энди даволаш ишлари «Борвиха» санаторийсида давом этади.

• Россия Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус комиссиясининг раиси Ричард Батлернинг ўз лавозимидан зудлик билан истеъфога чиқишини талаб қилди.

• **Кеча** Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев Туркиядан Бокуга қайтиб келди. Маълумки, у Туркияда бронхит хасталигидан даво топди.

• Жанубий Африка Республикасининг Кейптаун шаҳрида содир этилган террорчилик натижасида 11 киши жароҳатланди. Бахтли тасодиф туфайлигина портлаш жиноятчилар кутган даражада катта йўқотишларга олиб келмади.

• **Кеча** Колумбияда яна ер қимирлади. Бу гал ер силкинишининг кучи 4 баллни ташкил этди. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.

• Грузияда жойлашган россиялик чегарачилар республика алоқа вазирлиги томонидан 1 февралдан эътиборан уларнинг тезкор алоқа каналлари ўчириб қўйилиши ҳақида расман огоҳлантирилдилар. Бунинг боиси шундаки, уларнинг алоқа хизматидан фойдаланганлик қарзи 120 минг ларини (салкам 60 минг доллар) ташкил этади.

• Россия ҳукумати амнистия лойиҳасини маъқуллади. Қамоқхоналардан 94 минг кишини озод қилиш кўзда тутилмоқда.

• **Кеча** Доғистонда Рихтер ўлчови бўйича 5,3 балл куч билан ер қимирлади. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.

• Таиландда Осиёнинг Жануби-шарқида ягона бўлган темир йўллар тарихи музейи очилди. Бу ерда турли-туман локомотивлар — дастлабки паровозлардан тортиб энг замонавий поездларнинг намуналари тўпланган. Худди шунга ўхшаш очиқ осмон остидаги музей бир неча йилдан буён Тошкентда фаолият кўрсатмоқда.

• Швециянинг «Вольво» концерни эгалари енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган ўз фирмаларини Американинг «Форд» автогигантига 50 миллиард кронга (6,25 миллиард АҚШ доллари) сотдилар.

• Москвада МДҲ тарихида биринчи марта «Ҳамдўстлик гўзали — 99» соҳибжамоллар танлови ниҳоясига етди. Унда 12 мамлакатдан борган 36 нафар паривашлар иштирок этди. Фақат эркаклардан иборат бўлган ҳайъат қарорига кўра арманистонлик Гоар Арутюнян ушбу танловнинг ғолиби деб эълон қилинди. Гоар Арутюнянга бош соврин сифатида жаҳоннинг истаган ўқув юртида таълим олиш имконияти бериладиган бўлди.

• Кипрнинг Европа Иттифоқига қабул қилиниши мамлакатдаги турк ва грек миллатига мансуб аҳолининг бирбиридан хавфсирашига, келиб чиқиши мумкин бўлган можароюю низолардан хавотирланишига чек қўйиши мумкин эди. Орол мамлакат президенти Глафкос Клиридис ана шундай баёнот берди.

• Россия Қуролли Кучлари таркибидаги уй-жойга эга бўлмаган ҳарбий хизматчилар сони 97 минг кишини ташкил этади.

*Шахмат*

## РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИГА ЙЎЛЛАНМА

***Республика шахмат-шашка клубида шахмат бўйича эркаклар ўртасида 1999 йилги шаҳар чемпионати баҳслари якунланди.***

Тўққиз кун давомида 76 нафар шахматчилар ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Натижада ўзининг энг кучли томонларини кўрсатган, Республика олий лигаси баҳсларининг икки карра иштирокчиси, спорт усталигига номзод Алексей Исаев 8 очко жамғарган ҳолда Тошкент шаҳар чемпиони унвонини қўлга киритди. 9 имкониятдан 7,5 очко тўплаган спорт усталигига номзод Вячеслав Трошихинга иккинчи ўрин насиб этди. Спорт усталигига номзод, тажрибали шахмат фахрийси Сергей Федяшин ва 1 тоифали спортчи Аҳмаджон Эркабоевлар 7 очко жамғардилар. Бироқ коэффициентларга кўра учинчи ўрин С. Федяшинга насиб этди. 6,5 очкога эга бир нечта шахматчи бешинчи ўринга даъвогарлик қилди ва бунда ҳам коэффициентлар нисбатига кўра 5-ўрин спорт усталигига номзод Акром Тошхўжаевга насиб этди.

Чемпионат совриндорларига Тошкент шаҳар спорт қўмитаси, 4,5-ўринлар соҳибларига эса турнир ҳомийси В. Булатов ўз мукофотларини топширди.

Шуни айтиш керакки, катталар турнирида 5 очко тўплаган 11 ёшли Т. Гареев, 4 очко йиғган 10 ёшли А. Рихсиевлар ўзларининг ўсиб келаётган маҳоратларини намойиш этдилар.

Шаҳар чемпионатида дастлабки бешта ўринни эгаллаган шахматчи 25—26 февраль кунлари бошланадиган республика чемпионатининг 1-лига беллашувларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

*Даврон ИСАЕВ.*





***Харидор дидини ўрганиш асосида янги-янги рақобатбардош маҳсулот турларини яратиш бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири эканлигини «Оникс» ҳиссадорлик жамияти аъзолари ҳам яхши ҳис этмоқдалар.***

*Истеъмол буюмлари*

# СЕРЖИЛО, ЖАРАНГДОР

— Барча корхоналар қатори ўтиш даврида изланишга тўғри келяпти, — дейди жамоа муҳандис-технологи Саодат Муҳитдинова. — Муаммоларнинг ечимини топиш ўз қўлимизда эканлигини ҳис этган ҳолда изланиш ва тадбиркорлик билан иш юритишга эътибор қаратмоқдамиз. Бугунга келиб корхонамизда 200 турдан ортиқ сержило биллур ҳамда шиша идишлар ишлаб чиқарилмоқда. Янги йилдан бошлаб эса уларнинг қаторига яна икки хилдаги янги биллур қадаҳлар қўшилди. Бу янги маҳсулотлар Германия технологияси асосида яратилди.

Албатта, хонадонларимизни безайдиган, дастурхонларимизга файз бағишлайдиган биллур идишлар ўз-ўзидан вужудга келмайди. Уларни тайёрлаш бирмунча мураккаб жараён ҳисобланиб, рассомларнинг изланишлари, ишчиларнинг сермашаққат меҳнатлари эвазига яратилади. Бунинг устига меҳнатга, тайёрланаётган маҳсулотга меҳр қўшилса борми?! Корхонада ана шундай меҳнатга, жамоага меҳр қўйганлар кўпчиликни ташкил этади. Муҳандис-ихтирочи Светлана Пушаненко, ишчи Рустам Сағдиев, олий тоифали уста Рафиқ Галиевлар ўзларининг самарали меҳнатлари билан муваффақиятларга эришаётганларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ҳиссадорлик жамияти жамоаси янги маҳсулотлар яратиш йўлидаги изланишларни Аёллар йилида ҳам давом эттириш, хотин-қизларимизга ҳам сержило, жарангдор биллур идишлар тақдим этиш ниятидалар.

*Шарофат БАҲРОМОВА.*

*СУРАТЛАРДА: корхона муҳандис-технологлари Саодат Муҳитдинова, Тамара Нурмуҳамедова ва бош технолог ўринбосари Ҳалима Маҳмудовалар маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда; меҳнат маҳсули бўлган сержило биллур гулдон.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда эълон қилинган «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонини шаҳримиз маҳаллалари оқсоқоллари қизғин қўллаб-қувватлаб ўз мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Қуйида уларнинг айримларини келтирдик.***

*Муносабат*

# МАҲАЛЛАЛАРГА КЎРСАТИЛГАН ҲАҚИҚИЙ ҒАМХЎРЛИК

**• Ойсулув САЛИМБОЕВА, Бектемир туманидаги Абай номли маҳалла котибаси:**

— Шу пайтга қадар маҳаллалар фаолиятига оид эълон қилинган Президент Фармонлари ёки ҳукуматимиз қарорларининг деярли барчасида аҳолининг кам таъминланган табақасига ғамхўрлик қилиш сатрлари албатта ўрин олган. Мазкур Фармон ҳам шундайлар сирасига киради. Ҳақиқатан ҳам ишламайдиган оналарга боласи икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш учун нафақа тўлаш бугунги кунда ҳукуматимизнинг ўтиш давридаги беш тамойилидан бири бўлмиш кучли ижтимоий ҳимоянинг яққол кўринишидир. Фармонда кўрсатилган ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни асосий озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Зеро кексалар, ёлғиз ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш халқимизнинг азалий удуми бўлиб келган.

**• Марат КАМОЛОВ, Юнусобод туманидаги «Оқибат» маҳалласи оқсоқоли:**

— Фармонда бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири, яъни аҳолининг уй-жой-коммунал хизмат тўловлари ўз вақтида тўланишини таъминлаш эътиборга олинган. Бу ҳол уй-жой-коммунал хизмат соҳаси ишини оз бўлса-да, енгиллаштириш билан бирга маҳалланинг моддий жиҳатдан ўзини-ўзи таъминлашига ҳам имкон яратади. Мазкур тўловлардан тушган тушумлар маҳаллани ободонлаштириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш кабиларга сарфланишини эътиборга олсак, ҳар бир фуқаро коммунал хизматни ўз вақтида тўласа, маҳалласи, унинг аҳолиси учун ҳам фойдаси тегишини ҳис қилиши лозим.

**• Қобил ҚОДИРОВ, Акмал Икромов туманидаги «Катта қаъни» маҳалласи оқсоқоли:**

— Мазкур Фармонда рағбатлантириш сўзига асосий эътибор қаратилгани мени жуда қувонтирди. Зеро, рағбатлантириш кишини улуғ ишларга бошлайди, унда ўзи ҳам билмаган куч-қувватни пайдо қилади, ишга ижодий ёндошишга ундайди. Ушбу Фармондан келиб чиқиб ҳар бир маҳалла оқсоқоли ўзи яшаб турган ҳудуднинг ҳақиқий раҳбарига айланиши шубҳасиз. Энди у ўз қўли остидаги фуқаролар манфаатини ўйлаши, камчиликлари юзасидан ғамхўрлик қилишга киришиши аниқ. Чунки энди унга ҳамма имкониятлар берилди.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.*

*Биз ва жаҳон*

# ХОРИЖ САРМОЯЛАРИ – ИҚТИСОДИЁТ ГАРОВИ

***Юртимизда иқтисодий ислоҳотларнинг ривожланиши кўп нарсага боғлиқ. Маҳаллий саноат, қўшма ва кичик корхоналар очиш ва уларнинг барчасидан унумли фойдаланиб халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш шулар жумласидандир. Айнан мана шу мақсад йўлида «Ўзулгуржибиржасавдо» республика акционерлик ассоциациясида талайгина ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда республика «Ўзулгуржибиржасавдо» акционерлик ассоциацияси раисининг ўринбосари Фозилжон Юсупов қуйидагиларни гапириб берди:***

— Республика ички бозорини ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги маҳсулотлар ва халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш мақсадида «Ўзулгуржибиржасавдо» республика акционерлик ассоциациямиз қўшма корхоналар фаолиятига катта эътиборни қаратаяпти. Инвесторларни қизиқтириш учун етарли салоҳиятга эга бўлган ҳолда — бўш ишлаб чиқариш майдонлари, омборхоналар, ёнилғи ва энергетика манбалари, коммуникациялар мавжуд бўлгани ҳолда ассоциация бўлинмалари Канада, Туркия, Хитой, Туркманистон, Россия ва Латвия фирмаларининг инвесторлари билан қўшма корхоналарнинг ташкилотчилари ҳисобланади. Ўтган йили мана шу ташкилотчи ва муассасаларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 65 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Тўғри, аввалари биз фақат таъминот билан машғул бўлганмиз. Бироқ давр тақозоси ва замон талабига кўра ички имкониятларимиздан фойдаланган ҳолда қўшма корхоналар тузишга киришдик. Бу корхоналарда турмушимиз учун энг керакли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, Намангандан Тошкентга кўчириб келинган Ўзбекистон — Канада қўшма корхонасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун полиэтилен клеёнкалар ишлаб чиқарила бошланди. Бу маҳсулотдан ўтган йили 36 миллион сўмлик чиқарилган бўлса, бу йил 250 миллион сўмлик ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Шунингдек жойлардаги Ўзбек—Туркия, Ўзбек — Болгар, Ўзбек — Чехия қўшма корхоналари ҳам шулар жумласидандир.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни истовчилар кўп, лекин уларнинг кўпчилиги жой масаласида анча-мунча тўсқинликларга учрашлари мумкин. Бу борада бизнинг ассоциациямизга қарашли очиқ ва ёпиқ омборхоналар ҳар қандай хорижлик инвесторнинг талабини қондира олади. Айни вақтда 211 минг квадрат метр очиқ ва 643 минг квадрат метр ёпиқ омборхоналаримиз мавжуд.

**— Ассоциация билан ҳамкорликда иш юритмоқчи бўлган инвестор нималарга қодир бўлиши керак?**

— Ассоциациямизда қўшма корхоналар ташкил этиш борасида муваффақият ва муаммолар мавжуд. Шу сабабдан «Ўзулгуржибиржасавдо» мажлисларида қўшма корхоналар фаолияти, уларнинг самарадорлигини оширишга бағишланган масалалар бир неча бор кўриб чиқилди. Ассоциация томонидан қўшма корхоналарни ташкил этувчилардан маркетинг тадқиқотлар ўтказиш, шерикларнинг ишончлилигини текшириш талаб этилади.

Қўшма корхоналарни ташкил этиш республика истеъмолчиларини катта талабга эга маҳсулотлар, аҳолини иш ўринлари билан таъминлашга имкон туғдиради. (Айни вақтда мавжуд қўшма корхоналарда 380 нафар фуқаро иш билан банддир). Шунингдек хорижлик мутахассисларни янги иш усулларига ўргатиш асосида ходимлар малакаси даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва узоқ хориж мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга яхши таъсир кўрсатмоқда.

*Гулзода АБДУЛЛАЕВА.*
*Дамир ИСЛОМОВ.*

*Матбаа*

# ДАВРИМИЗГА ҲАМНАФАС

***Маълумки, Ўзбекистон мустақиллик эълон қилиниши билан ўз тараққиётида туб янги паллани бошлади. Мисли кўрилмаган янги тушунчалар эса ҳаётимизнинг барча соҳаларига — иқтисодга, сиёсатга, бадиият ва маънавиятга кириб кела бошлади. Шу билан бир қаторда биз минглаб сўз, тушунча ва атамаларнинг асл маъносини билиб, уларни ўзимизга аниқлаб ола бошладик. Уларнинг мазмуни, айниқса истибдод йилларида сохталанган ва сийқалантан эди.***

Энг ачинарлиси, у ёки бу сўзнинг, атаманинг, иборанинг хато талқин этилиши, нотўғри тушунилиши ноўрин ишларга ҳам сабабчи бўлди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоасининг махсус луғат яратиш борасидаги саъй-ҳаракатини алоҳида таъкидлаш керак. Бу ишга республика илмий жамоатчилигининг етук вакиллари жалб этилдилар ва натижада А. Жалолов, Қ. Хоназаров умумий таҳрири остида «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида «Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат» номли китоб яратилиб, халқимизга тақдим этилди.

Китобни варақлар эканмиз, бу нашр халқимизнинг ҳозирги кун эҳтиёжларига нақадар монанд эканлигини, унинг янгиликларни тушуниш ва англашга бўлган чанқоқлигини инобатга олиб ёзилганини кўрамиз. Муаллифлар жамоаси институт бошчилигида жуда катта ишни амалга оширган: иқтисод, сиёсат, тарих, ҳуқуқшунослик, фалсафа, адабиётшунослик, маданият, маънавият ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига тегишли ва ҳозирги кунда энг долзарб ҳисобланган икки юздан ортиқ атама, тарихий шахслар, иборалар илмий ва сиёсий жиҳатдан саралаб, танлаб олинган. Уларнинг мазмунини китобхонга ёритиб бермоқ учун Ўзбекистоннинг юздан ортиқ илмий ходимлари — тадқиқотчилар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзолари, қирққа яқин фан доктори, олтмишга яқин фан номзодлари, улар билан бир қаторда иқтидорли ёш олим ва олималар жалб этилган.

Юқоридаги маълумотлардан аён бўлиб турибдики, бу китоб одатдаги кўп ҳажмли нашр эмас, балки Ўзбекистон олимларининг мустақиллик ғояларини, унинг мафкурасини, назарий асосларини халқимиз онгига сингдиришга қўшган энг салмоқли ҳиссаларидан бири дейишга асос бор. Бундай хулоса ўринлидир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Иқтисод институти, Тил ва адабиёт институти, Тарих институти, Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Ислом тадқиқотлари маркази, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳарбий академияси ва бошқа қатор давлат ҳамда жамоатчилик ташкилотлари, муассасалари ходимлари бу китобни тайёрлашга жалб этилдилар.

Китобни қўлга олар экансиз, унда изоҳланган ҳар бир сўз, тушунча ва ибора сизни ўзига жалб этади. Чунки, биз ҳаммамиз ҳар қадамда бу сўзларнинг изоҳини, талқинини қидирамиз ва саволларга жавобини қўлимиздаги ушбу янги китобдан топамиз. Китоб «Авторитаризм» сўзининг изоҳидан бошланиб, «Ҳуқуқий маданият» номли мураккаб атамани изоҳлаш билан тугайди. Бу иккала тушунчанинг ўзиёқ замонавий изоҳга муҳтож ва китобхон бу саволларга қисқа ҳамда етарлича мукаммал жавоб олади.

Луғатни варақлаб кўрар эканмиз, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар, жамғармалар, иқтисодий мустақиллик, дин ва динга муносабат, давлат бошқарув тизими, Давлат тили, маънавият, менталитет, мухолифат, цивилизация, ҳадис каби тушунчалар тўғрисида илмий асосланган ва айни вақтда, оммабоп тилда ёзилган маълумотлар оламиз.

Китобнинг яна бир ижобий хислати шундан иборатки, унга «Халқаро иқтисодий атамалар» изоҳи ва «Мустақиллик солномаси» илова қилинган. Бу иловалар китобхонларга қатор янги қулайликлар туғдиради.

Шу қисқача тавсиф ҳам китобнинг қанчалик кенг билимлар оламини қамраб олганидан далолат беради. Китоб муаллифлари уни камтарона равишда «Изоҳли илмий-оммабоп луғат» деб атаганлар. Ҳолбуки, китоб билан яқиндан танишиб шуни айтиш мумкинки, бу мустақилликнинг қисқача энциклопедиясидир.

Бир сўз билан айтганда «Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат» китоби — Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий жамоасининг катта ютуғидир.

*Раҳмон ФАРМОНОВ,*
*Жаҳон иқтисоди ва дипломатияси университети халқаро алоқалар ва сиёсатшунослик кафедрасининг мудири, профессор.*

*Ҳамкорлик*

# ХАРИДОРИНИ ТОПМОҚДА

***«Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамиятида харидор эътиборини қозона оладиган мебеллар ишлаб чиқариш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

Жамоада 1998 йил якунларига кўра 474 миллион сўмлик мебель маҳсулотлари тайёрланди. Айниқса, унинг тури, сифати ҳамда талабга жавоб беришига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Қувонарли томони шундаки, ҳиссадорлик жамияти ўз маҳсулотларини четга ҳам чиқара бошлади. Қўшни Қозоғистон Республикасида «Тошкентмебель» савдо уйи очилди ва шартнома тузилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илк мебель маҳсулотлари ўтган йилнинг декабрь ойида жўнатилди ва корхона ҳисобига валюта келиб тушди. Шунингдек, Қирғизистонда ҳам худди шундай савдо уйи очиш режаланган ҳамда 1 миллион долларликка яқин мебеллар четга сотилади.

Корхонада ўтган йилги ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг салкам ярми жамоада ташкил этилган «Денвидо» Ўзбекистон — Латвия қўшма корхонасида тайёрланди. Латвиялик шериклар билан ҳамкорлик кундан кунга кенгайиб бормоқда. Улар ишлаб чиқаришнинг хом ашё билан мунтазам таъминлаб келаётганлиги муваффақиятлар омили бўлмоқда. Шу сабабли ҳам яқинда латвиялик ёғочсозлар билан ҳамкорликда яна бир қўшма корхона ташкил этилиб, у ўз маҳсулотларини бера бошлади. Бу қўшма корхонада меҳмонхона, ошхона ва ётоқхона термалари ишлаб чиқарилмоқда.

*Дилноза ҒИЁСОВА.*

***Ҳар қандай шароитда ҳам маиший хизмат ўз ўрнида фаолият кўрсатиши шарт эканлиги кейинги йилларда яққол сезилмоқда. Аҳолининг маиший хизматга бўлган эҳтиёжи тобора кучайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрида қабул қилган «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг 1995 йил 31 октябрь 231/1-сонли қарорига асосан «Тошшаҳармаишийхизматуюшма»си тузилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ҳамда маиший хизмат сифат ва самарадорлигини ошириш борасидаги режалари хусусида уюшма раиси Саидумар АЪЛОЕВ билан суҳбатлашдик.***

*Маиший хизмат*

# ТУРИ ВА СИФАТИГА ЭЪТИБОР

— Уюшмамизнинг асосий мақсади пойтахтимизда маиший хизмат бўйича янгича сиёсатни амалга оширишдир. Жамоамиз пойтахт аҳолисининг маиший хизматга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида ўз дастурига эга. Ана шу дастур асосида олиб борилаётган ишларимиз бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Ўтган 1998 йилда уюшмамиз шаклланиб бўлди. 11 та туманда уюшма бўлимлари ташкил этилди. Аҳолига 530 миллион сўмликка яқин хизмат кўрсатилди. Режадаги 508 та ўрнига 788 та маиший хизмат шохобчаси очилиб, 2029 та ишчи ўрни ташкил этилди. Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, одамлар маиший хизматга интиляпти, маиший хизмат турлари билан шуғулланувчиларнинг сони ва қизиқиши ортиб бормоқда. Бугунги кунга келиб шаҳримизда уюшмамизга аъзо бўлган 2600 га яқин маиший хизмат шохобчаси 21 дан ортиқ тур бўйича аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Маиший хизмат уюшмамизга аъзо бўлаётганларнинг сони ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири Тошкент шаҳар ҳокимлиги ишимизга алоҳида аҳамият бермоқда, уюшма аъзоларига имтиёзлар яратилган. Ер солиғи, ижара ҳақи бўйича имтиёзлар, кассага тушган пулнинг 20 фоизини олиб қолиб, бозордан иш учун зарур бўлган хом ашё сотиб олиш кабилар шулар жумласига киради. Шунингдек, бу ёрдамлардан руҳланиб, аъзоларни жалб этиш мақсадида ўзимиз ҳам турли имтиёзлар яратиш йўлини излаяпмиз. Ана шулардан бири «Файз» холдинг компанияси билан сартарошхоналар учун мебеллар тайёрлаб беришга шартнома туздик. Шартномага кўра корхона буюрилган мебелларни фақат уюшмага сотади. Уюшма эса ўз аъзоларига имтиёзли нархларда, қолганларга эса эркин нархда сотади. Шунингдек, бу йилдан «Лола атир-упа» ҳиссадорлик жамияти билан ҳам хизмат кўрсатиш турлари учун зарур бўлган маҳсулотларни етказиб бериш бўйича шартнома туздик. Бу, албатта шохобчаларимизни керакли асбоб-ускуна ва хом ашё билан таъминлаш имкониятини беради.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 17 сентябрдаги «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислоҳотларни давом эттириш тўғрисида»ги Фармони маиший хизматга бўлган эътиборнинг яққол далили бўлди. Ана шу фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга асосан эса Тошкент шаҳар ҳокимининг 10 октябрдаги 347-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра пойтахтимиз аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, маиший хизмат турларини ва даражасини ошириш мақсадида туманларда «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тадбиркорлар уюшмалари» тузилди ва уларга амалий ва иқтисодий ёрдам берилмоқда. Ҳар бир туман учун ҳокимликлар билан келишиб янги режа ишлаб чиқилди, унда туманнинг хусусиятлари эътиборга олинди. Шунингдек, қаерда, қандай хизмат кўрсатиш шохобчаси бор, қайси тури керак ва зарурлигини доимо эътиборда тутмоқдамиз.

Тўғри, бугунги бозор иқтисодиёти даври одамларимизга тежаб-тергашни, авайлаб-асрашни ҳам ўргатмоқда. Шу туфайли ҳам биз халқимизни ижтимоий ҳимоялашга, яъни эскисини таъмирлашга ҳам алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Шу мақсадда туманларимизда «Онаники қизига, отаники ўғлига» деб номланган хизматни жорий этдик. Бу ерларда кийимлар нафақат кичрайтилади, балки ҳозирги замонга мослаб қайта таъмирлаб берилади.

**— Маиший хизматда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, чет элдан ҳамкорлар жалб этган ҳолда жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш қандай амалга оширилмоқда?**

— Бугунги кунга келиб пойтахтимиздаги маиший хизмат шохобчаларида ҳам чет эллик ҳамкорлар билан ишлаш, мижозларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишга интилиш кучайиб бораётганини таъкидлаш ўринлидир. Ҳозирга келиб шаҳримизда маиший хизматда 47 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу корхоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ишлаш янги технология асосида ташкил этилган. Айниқса, Шайхонтоҳур туманидаги Германия билан очилган кимёвий тозалаш шохобчаси, Акмал Икромов туманида фаолият кўрсатаётган Жанубий Корея билан очилган суратга олиш бўйича, Миробод туманида Ирландия билан ҳамкорликдаги автомобилларни таъмирлаш устахоналари, Сергели туманида Туркия билан ҳамкорликда иш юритаётган «Металл-Кон-Азия» хусусий фирмаси, Ҳамза туманида Озарбайжон давлати билан шерикликда ишлаётган «Кондиционер» корхоналарида кўрсатилаётган хизматлардан мижозлар мамнун бўлишмоқда. Келгусида ҳам маиший хизматнинг барча турлари бўйича сифатли, одамлар дидига мос хизмат кўрсата оладиган қўшма шохобчалар сонини кўпайтиришни режалаб қўйганмиз, албатта.

**— Келгуси режалар хусусида ҳам тўхталсангиз...**

— Албатта, бугунги кунда пойтахтимиз аҳолисига баъзи бир соҳалар бўйича кўнгилдагидек хизмат кўрсата олмаяпмиз. Бунга олдимизда турган айрим муаммолар ҳам сабаб бўлмоқда. Муаммолар ечимини топиш, албатта, ўз қўлимизда. Мана яқинда Тошкент шаҳар ҳокими 515-сон қарор чиқарди. Унга кўра ҳар бир маиший хизмат шохобчасига бир йиллик гувоҳнома бериладиган бўлди. Аввалари эса бундай гувоҳнома беш йилга бериларди. Қарор шуниси билан эътиборлики, эндиликда махсус комиссия аъзолари томонидан ҳар йили шохобчанинг ишлашга тайёрлиги, жиҳозларнинг яроқлилиги, ходимнинг малакаси кўрикдан ўтказиладиган бўлди. Бу ишимизнинг ижобий тарафга силжишида муҳим омил ҳисобланади.

Шунингдек, яқинда уюшма қошида асбоб-ускуна, жиҳозлар ва хом ашёлар кўргазмасини ташкил этаяпмиз. Кўргазмага келган ҳар бир шохобча ходими иш фаолияти учун зарур ва керакли бўлган хом ашёни бозордан кўра бирмунча арзон нархларда олиш имкониятига эга бўлади. Бу йил 600 га яқин маиший хизмат шохобчаси очиш кўзда тутилган. Энг асосийси, хизматнинг оқсаётган турларига эътиборни кучайтирамиз. Ушбу йилда яна 79 та пойабзал таъмирлаш устахонаси очиш кўзда тутилган. Қанчалик маиший хизмат шохобчалари кўп бўлса, қанча одам ана шундай хизмат билан шуғулланса, рақобат кучаяди, бу эса унинг сифати ортиб, нархининг ҳам арзонлашувига сабаб бўлади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, ривожланган мамлакатларда уларнинг бойлигини ўлчайдиган ўлчовлардан бири — бу халқининг бўш вақтидир. Одамларнинг бўш вақти қанчалик кўп бўлса, улар яхши дам олишади, театр, киноларга боришади, китоб, газета-журналлар ўқиб маънавиятини бойитади, фарзандлар тарбиясига ҳам эътибор қаратишади. Шу боис биз ҳам Аёллар йилида, айниқса, хотин-қизларимизга яхши шароитлар яратсак, уларнинг қўлларидан баъзи уй юмушларини олиб, бўш вақтини кўпайтирсак, деган ниятимиз бор. Ана шу мақсадда маиший хизматни аҳоли турар жойларига — уйларгача бориб кўрсатишни ҳам йўлга қўяяпмиз. Ана шундай уйда хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш режаларимиз ҳам бор. Қўлларидан бироз бўлса-да юмушларини ололсак, аёлларимиз бундан-да зебо, лобар ва билимдон бўлишлари, шубҳасиз.

Сифатли хизмат кўрсатиш учун мутахассисларимиз ҳам етарли билим ва малакага эга бўлмоғи лозим. Шу боис ҳам кадрлар масаласига алоҳида аҳамият берамиз, ўқув комбинатимизга яхши ходимлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратамиз. Шунингдек, ҳар бир соҳа ходимлари ўртасида кўрик-танловлар ўтказиш ҳам ўз самарасини беради. Рамазон ҳайитида бошланган меҳр-мурувват тадбирларимизни, кейинги байрамларда ҳам давом эттириб, ногирон, кам таъминланган оилалар, кексаларимиздан беминнат хизматимизни аямаймиз.

*Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА.*

Футбол

# «ПАХТАКОР» МАВСУМГА ШАЙЛАНМОҚДА

***Мамлакатимизнинг ўтган йилги чемпиони — пойтахтнинг «Пахтакор» жамоаси Осиё Кубоги эгалари Кубоги, Осиё чемпионлари Кубоги ва чемпионликни сақлаб қолиш баҳсларида иштирок этиш мақсадида шиддатли ва қизиқарли янги мавсумга қизғин тайёргарликни бошлаб юборди. Биз «Пахтакор» жамоаси бошлиғи Асқар Толибжонов билан учрашиб команданинг мавсумга қандай тайёргарлик кўраётгани, унинг таркибидаги ўзгаришлар ва келгусига мўлжалланган режалари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик.***

**— Асқар Имомжонович, суҳбатимизни барча ишқибозларни қизиқтираётган мавзу — жамоа раҳбарияти ва ўйинчилари таркибидаги ўзгаришлардан бошласак.**

— Тузилган шартнома муддати тугаганлиги муносабати билан ва раҳбариятнинг розилигига кўра фақат дарвозабон Павел Бугалога Россия жамоаларидан бирида вақтинчалик кўрикдан ўтишга рухсат берилди. Шунингдек, Андрей Рошчин ва Эркин Назаровларни трансферга қўйдик (яъни Республика футбол федерацияси томонидан ташкил этиладиган бошқа жамоалардан талабгорлар чиқса уларга ўтказиш учун трансфер бозорига қўйдик). Агарда уларга талабгор жамоалар чиқмаса «Пахтакор» таркибида қолиб тўп суришлари мумкин бўлади. Бундан ташқари шартнома муддатининг якунланиши ва оилавий шароит тақозоси билан жамоанинг бош мураббийи Убеража Вега да Сильва ўз Ватанига қайтди. Қолган барча футболчилар жамоа таркибида янги мавсумга тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳар мавсумдаги каби бошқа жамоалардан таклиф этилган бир нечта тажрибали, олий лигада тўп сурган чарм тўп усталарини синовдан ўтказаяпмиз. Чемпионатга тайёргарлик, ўқув-машғулотлари ва ўртоқлик назорат учрашувлари ўтказилганидан сўнг уларнинг жамоада қолиш-қолмасликлари маълум бўлади. Аҳмад Убайдуллаев жамоа бош мураббийси вазифасини бажармоқда.

**— Мавсумга тайёргарлик ишлари қандай ташкил этилмоқда?**

— Шу йил 9 январда Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси футбол федерацияси президенти З. Алматов, Тошкент шаҳар ҳокими, «Пахтакор» клуби президенти К. Тўлаганов ва бошқа мутасаддилар иштирокида ўтган мавсум натижалари ва янги мавсум режаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда асосан футболчилар билан тузиладиган ва қайта ишлаб чиқиладиган шартномалар, жамоанинг бу йил ўз олдига қўйган вазифалари тўғрисида сўз борди, жамоага янги таклиф этилган ўйинчилар таништирилди. Яъни, бу йилги мавсумнинг асосий режалари муҳокама қилиниб, амалга ошириладиган асосий ишлар белгилаб олинди.

Умуман, мавсумга тайёргарликнинг биринчи босқичини 15 декабрдан бошладик. 4—5 январь кунлари жамоа аъзолари чуқур тиббий кўрикдан ўтказилди. 6 январдан бошлаб иккинчи босқич доирасида Қибрай ўқув-машғулот базаси, «Пахтакор» ўйингоҳи ва Олимпия ўринбосарларини тайёрлаш билим юрти спорт залларида кунига 2 мартадан машғулотлар ўтказдик.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг кўмаги орқали мавсумга тайёргарликнинг навбатдаги босқичи 28 январдан 22 февралга қадар ўтказилади. Бунда дастлаб 28 январь — 9 февраль кунлари Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатида ўқув-машқ йиғинларида иштирок этамиз. 12 февралда Осиё Кубок эгалари Кубогининг чорак финал баҳсида Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида Осиёнинг энг кучли жамоаларидан бири — «Ал Иттиҳод» билан куч синашамиз. Осиё Кубок эгаларининг Кубогидай нуфузли мусобақаларга жиддий эътибор қаратганлигимиз учун Москвадаги МДҲ жамоалари мусобақасида қатнашишдан воз кечдик.

Сафарга жўнаш учун визаларни расмийлаштириш ва бошқа ташкилий масалаларда Ўзбекистон футбол федерацияси ва Саудия Арабистонининг Ўзбекистондаги консулхонасининг ёрдами катта бўлди ва жамоа номидан уларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, чемпионат ва Осиё Кубок эгалари Кубогига тайёрланиш доирасида бир нечта ўртоқлик учрашувларини ўтказишни режалаштирганмиз. Жумладан, асосий таркибда тўп сурувчи ва ёш ўйинчиларнинг кучмаҳоратларини яна бир карра синовдан ўтказиш мақсадида Қибрайдаги ўйингоҳда Алматининг «Қайрат» жамоаси билан иккита ўртоқлик учрашувини ўтказдик. Кучли жамоалар билан яна бир нечта ўртоқлик ва назорат ўйинларини ўтказишни режалаштирганмиз.

**— Асқар ака, эшитишимизча, Саудия Арабистонининг «Ал Иттиҳод» жамоаси раҳбарияти Кубок ўйинларининг ҳар иккаласини ҳам Жиддада ўтказишни таклиф қилиб, бунинг учун пахтакорчиларга катта шарт-шароитларни яратиб бериш, бутун харажатларни кўтаришга ваъда қилишган экан. Ушбу илтимосни қабул қилдингизларми?**

— Тўғри, «Ал Иттиҳод» командаси раҳбарияти иккинчи ўйинни ҳам 15 ёки 16 февраль куни Жиддада ўтказишни илтимос қилиб бизга мактуб йўллаган эди. Бу масала раҳбарият иштирокида «Пахтакор» клуби йиғилишида муҳокама қилиниб, улар яхши шароитлар ваъда қилишган бўлса-да, рад жавобини бердик.

Зеро, биз катта футболга чанқоқ ўз мухлисларимиз бундай юқори даражадаги ўйинларни ўз ўйингоҳимизда кўриб, завқ-шавқ олишларини истаймиз. Шу сабабдан иккинчи ўйин 21 февраль куни Тошкент шаҳрида ўтказилади. Рақибларимизни яқиндан ўрганиш учун «Пахтакор» мураббийларидан биттасини Саудия Арабистонига юборамиз.

**— Бу йил жамоа ўз олдига қандай режаларни қўйган?**

— Ҳар доимгидай «Пахтакор» ўз олдига бу мавсумда ҳам энг улкан режаларни қўйган. Чунончи, Осиё Кубок эгалари Кубоги баҳсларида муваффақиятли қатнашиш, ёз ойларида бошланадиган Осиё чемпионлари Кубоги, Ўзбекистон чемпионати ва Кубоги беллашувларида ғолиб чиқишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

*Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.*







*СУРАТЛАРДА: «Пахтакор» жамоасининг машғулотлари ва мавсум олди ўртоқлик учрашувларидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

Ажойиботлар

## БЎЙИГА ҚАРАБ ЙЎЛКИРА

***Канаданинг Торонто шаҳрида болаларнинг жамоат транспортида йўлкира тўлашларининг «антиқа» усули қўлланилади.***

Улар бўйларига қараб кира ҳақи тўлайдилар. Яъни, ҳар бир транспорт эшиклари олдига 11 ёшли боланинг ўртача бўйига тенг баландликда белги қўйилади. Кимки ўша белгидан паст бўйли бўлса, болалар чиптаси учун пул тўлайди, бўйи белгидан юқори бўлса катталар учун белгиланган йўлкирани тўлашга мажбур.

## ФАҚАТ АЁЛЛАР УЧУН

***Лондон шаҳри раҳбарлари Англия пойтахтида фақат аёллар фойдаланадиган махсус автобусни йўлга қўйишни режалаштирдилар.***

Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, кейинги пайтларда йўлтўсар ва безориларнинг автобусларга ҳужум қилишиб, аёлларнинг тинчлигини бузишаётганидир. Бу махсус автобусда, албатта, аёллар учун қўриқчи бўлади. Шу боис ҳам шаҳар раҳбарларининг фикрига кўра, қўриқчиси бўлган махсус автобус полицияга янги ходимларни қабул қилишдан анча арзонга тушар экан.

## ОВҚАТЛАНИШИГА ҚАРАБ

***«Қандай кишини ишга олиш мумкин?» деган саволга Англиядаги корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари улар учун махсус мўлжаллаб нашрдан чиқарилган маълумотномадан жавоб топишлари мумкин.***

Китобда ёзилишича, агар инсон танламасдан, очкўзларча овқат еса, бу унинг характерининг жуда оғирлигидан дарак беради. Овқатни тез-тез, аммо танлаб ейдиганлар чаққон ва яхши ишлар эканлар. Секин, меъёрида, дид билан овқатланувчи одамлардан яхши ташкилотчилар чиқади. Яна шуниси ҳам борки, мансабга қабул қилинувчи одам дам олиб, дам олиб овқат еса, унда ишбилармонлик қобилияти юксак бўлади. Агар киши иштаҳасиз, беparво овқатланса, билингки у хизматда ҳам шундай суст ҳаракат қилади.

*Дилфуза ҒАНИЕВА тайёрлади.*

# ХАЛҚИМИЗ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ

***Ушбу халқ ўйинларида янги замон Олимпиада ўйинларида ўтказиладиган спорт турларини ва уларнинг айрим белгиларини кўришингиз мумкин. Эътиборингизга ҳавола қилишимиздан мақсад шуки, бу ўйинлар ўрта таълим махсус-ҳунар техника ўқув юртлари, техникум, коллеж, педагогик ва тиббиёт ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари ва институтларнинг талабалари учун жисмоний тарбия дарсларида, спорт машғулотларида ҳамда айрим спорт малакасини ҳосил қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун қўлланилади.***

***Ўзбек халқ миллий ўйинларининг жисмоний тарбия дарсларида қўлланилиши ўқувчи ва талабаларни жисмоний ва ўз миллий маданиятига бўлган қизиқишини янада кучайтиради ҳамда ёш авлоднинг ўз Ватанини севишга, уни кўз қорачиғидек асрашга ва мудофаа қилишга тайёрлашдан иборат.***

***Маълумки, жисмоний тарбиянинг асосий вазифаси инсонни соғломлаштириш, жисмоний ва ақлий камолотга етказишдан иборат. Миллий ўйинлар билан шуғулланганингизда майдонча ва заллар тоза бўлиши шарт, зеро ўйин давомида чанг кўтарилмасин.***

***Пировардида таъкидламоқчимизки, об-ҳаво қандай бўлишидан қатъи назар жисмоний машқлар, миллий ҳаракат ва спорт ўйинлари билан очиқ ҳавода кўпроқ шуғулланиш мақсадга мувофиқдир. Фақат ёмғир, қор ёғиб турган пайтдагина ўйинлар усти берк майдонларда ўтказилиши мумкин.***

***Машғулотга икки соат қолганда озиқ-овқат истеъмол қилмаслик керак. Ўйинлардан сўнг ювиниб, кийимларни алмаштириш лозим.***



***● Ашур Нормуродов — бир неча олий ўқув юртларида ўқиган, Ўзбекистон шарафини нуфузли мусобақаларда муносиб ҳимоя қилган, қатор халқаро беллашувларда мусобақа шоҳсупасига кўтарилиб, чемпион бўлган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий. Ҳозирги пайтда Тошкент Давлат шарқшунослик институтида кафедра мудири. Жисмоний тарбияга, миллий ўйинларимизга оид қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларининг, 40 дан ортиқ илмий мақолаларнинг муаллифидир. Бугундан эътиборан оқшомхонлар эътиборига ҳавола қилинадиган халқимиз миллий ўйинлари ҳақидаги мақолалар фикримиз далилидир.***

## ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК?

Майдончадаги ўйинчилар икки гуруҳга бўлиниб бир-бирларидан 15—20 метр масофа нарида қўлларини маҳкам ушлаган ҳолда сафланадилар. Қуръа ташлаш билан ўйиннинг биринчи бошловчиси аниқланади ва улар:

*Оқ теракми, кўк терак,*
*Биздан сизга ким керак?*

дейдилар. Қарама-қарши томондаги жамоа эса биронта ўйинчининг номини айтиб чақиради. Танланган ўйинчи югуриб бориб, хоҳлаган икки ўйинчиларнинг қўллари («занжир»)ни узиб юборишга ҳаракат қилади. Агар ўйинчи бунга эришса, у ғалаба қилган ҳисобланади ва рақиб ўйинчиларнинг бирини «асир»ликка олиб кетади. «Асир» ўйинчи ўз ғолибининг ортидан бориб туради. Агар, у бордию ўйинчиларнинг қўлларини узолмаса, у ҳолда ўзи уларнинг бирига «асир» бўлиб қолади. Сўнг иккинчи жамоада рақиб жамоасининг биронта ўйинчисининг номини айтиб чақиради ва ўйин шу тарзда давом эттирилади.

Ўйин давомида ўйинчилар ютқазсалар «асир»лар озод бўладилар ва ўз жамоаларига қайтадилар. Ўйин белгиланган вақт тугагунча ёки ҳамма ўйинчилар чақирилгунча давом эттирилади.

Ўйин қоидаси: 1. «Занжир»ни бир ердан икки марта узиш тақиқланади. 2. «Занжир» фақат бирлаштирилган икки қўллардан ташкил топган бўлиши шарт. 3. «Занжир»ни узишдан олдин чалғитиш ҳаракатларини бажариш мумкин.

Ушбу ўйин ўқувчи ва талабаларда тезкорликни, чаққонликни ва эпчилликни тарбиялайди, спортда эса енгил атлетикачининг қисқа масофада югуришда, тезкорлик жисмоний сифатини тарбиялашда қўлланилиши мумкин.

## «БУРГУТ ВА БУРГУТЧА»

Қатнашувчилар орасидан «Бургут» ва «Бургутча» танланади. Майдон ўртасига кичик доира «Бургутча»га уй чизилади. Доиранинг ўртасига қўл тўпи коптоги қўйилади. Ундан 1 метр нарироқда квадрат (1х1м)да ўйин бошқарувчиси Бургут жойлашган. Майдоннинг бир томонидан «уй» ичига жойлашадилар.

Ўқитувчи «бошладик!» деб буюриши билан «Қушчалар» «Бургутча»нинг «уйи» томон югурадилар ва у қўриқлаб турган тўпни олиб қочмоқчи бўладилар. «Бургутча» эса доирадан чиқмасдан уларни тутишга ҳаракат қилади (қўли билан қушчалар»га тегса бас). «Бургут» эса бутун майдон бўйлаб «қушчалар»ни тутиб «Бургутча»га ёрдам беради. Тутилган «қушчалар» қарама-қарши томондаги йўлакчага бориб турадилар. Қушчаларнинг биронтаси «Бургут» ва «Бургутча»га тутилмасдан тўпни «уй» томонга олиб қочишга эришса, унда ўйин тўхтатилиб янги «Бургут» ва «Бургутча» танланади. Ҳамма қушчалар тутилиб қолган пайтда эса бошловчилар ўз ўринларида қоладилар ва ўйин қайта такрорланади.

Ўйин қоидаси: «Қушчалар» ҳам, «Бургутча» ҳам доира чизиғини босиб ўтмасликлари шарт. Қоида бузилганда тўп жойига қўйилади. Агар «қушча» йўлакча ёки уй чизиқларига тўпни олиб боргунча «Бургутча» ёки «Бургут» томонидан тутилмаса, у ғалаба қилган ҳисобланади. «Бургут» майдондаги ҳамма (тўпли, тўпсиз) ўйинчиларни ушлаши мумкин. «Қушча»лар тўпни бир-бирларига узатиб олиб қочишлари мумкин.

Ушбу ўйин ўқувчи ва талабаларда чаққонлик ва эпчиллик сифатларини тарбиялайди. Шу билан бирга бу ўйинда баскетбол, қўл тўпи, регби ўйинларининг белгилари бор. «Бургут» ва «Бургутча» ўйини юқорида кўрсатилган спорт турлари учун тайёрланиш машғулотлари бўлиб хизмат қилади.

*Ашур НОРМУРОДОВ.*

# БИР БУРДА НОН

**(Бўлган воқеа)**

***«Ноннинг ушоғи ҳам нон» дейди халқимиз. Бу сўз бежиз айтилмаган. Нон ҳақида гап борганда ҳамиша кўз ўнгимда ёшлигимда дадам айтиб берган бир ҳикоя жонланади.***

— Қишлоқда яшардик. Оғир йиллар ён қўшнимиз Қудрат ака безгак касали билан бевақт оламдан ўтди. Олти ёш боласи билан хотини қолди. Болаларни боқиш осон эмасди. Шуни назарда тутиб бу оилага биз ҳам, бошқа ҳимматли қўшнилар ҳам баҳоли қудрат ёрдамлашиб турдик. Лекин нон тақчил эди. Шу боис баъзида болаларимиздан орттириб қўшнимиз бечорага нон бера олмасдик. Шундай вақтлар оч, юпун етимчаларни кўриб дил-дилдан эзилардигу лекин қўлимиздан ҳеч нарса келмасди. Чунки ўзимизнинг қорнимиз нонга тўймасди.

Қудрат аканинг аёли Каримахон ҳам ётиб қолди. Очлик, болалар ташвиши бечорани шу кўйга солди. Бир куни ярим кечада қўшни ҳовлидан чиқаётган болалар ноласидан бутун маҳалла оёққа турди. Ўша томон югурдик. Бечора Каримахон қўлида бир бурда нонни чангаллаганича унсиз ётарди. Шунда бу аёл қудратига ҳаммамиз тан бердик. Очликдан қанчалик қийналмасин ўша нонни ўзи емай болаларига илинганича оламдан ўтибди шўрлик...

Орадан қанча йиллар ўтса ҳамки, ҳамон мана шу ҳикоя менга тинчлик бермайди. Очлик азобидан қийналаётган кичкинтойлари ноласига чора тополмай армон билан ҳаёт билан видолашган ўша аёл қиёфаси ҳануз кўз олдимдан нари кетмайди.

Маъмурчилик замонида яшаяпмиз. Дастурхонимиз ноз-неъматлар билан тўла. Энг асосийси нон сероб. Лекин бунинг қадрига етмаганлар ҳам бор орамизда.

Яқинда бир ошхонада тушлик қилаётган эдим. Ёнимдаги столга ясан-тусан қилиб олган бир жувон келиб ўтирди. Унинг 4—5 ёшлар чамасидаги боласи столдаги ликопчада турган бир бурда нонни олиб оғзига солди. Буни кўриб гўё аёлни чаён чаққандек бўлди.

— Шуҳрат, ташла нонни, очофат, қолдиқ нонни ҳам оғзингга соласанми, ташла деяпман сенга.

Аёл тура солиб бола қўлидаги нонни юлқиб олди-да, ижирғаниб уни оёқ остига улоқтирди. Ёнимизда ўтирган қариянинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. У чаққон ўрнидан турди. Бориб жувон улоқтирган нонни олди, артиб тозалади. Нонни ўпиб пешонасига уч марта суртди-да авайлаб уни сумкасига солиб қўйди. Сўнг жувонга нафрат билан тикилди.

— Нонни шунақа хор қиласизми, қизим?

— Вой, тавба, тавба. Одамларга нима-я. Нега бировларнинг ишига бурнини суқаверишади? Буларга қолса ерда ётган нонни ҳам олиб оғзинга солсанг. Ахир қолдиқ нон билан тозасининг фарқига етиш керак-да. — Амаки гигиена деган сўзни тушунасизми, ўзи?

Отахон индамай ўрнидан турди. Жувон томон яқинлашди.

— Гигиенани билмадиму лекин нонни хор қилган кишининг кўр бўлишини биламан.

Чол шаҳдам юриб кўчага чиқиб кетди. Аёл «Нима!» дея ғазаб билан унинг орқасидан тикилди. Кейин бу воқеаларга худди ўғли айбдордек уни ура кетди.

— Бола бўлмай ўл. Сен деб мен гап эшитдим.

— Болада нима гуноҳ?

— Ёш гўдакни урмай қўлинг синсин.

— Она бўлмай ўл.

Чекка-чеккадан эшитилган таъна-маломатларга жувон чидаб туролмади. Боланинг қўлидан юлқилаб ташқарига отилди.

— Нонни хор қилган кишининг хор бўлгани шу-да, — деди кимдир.

Кўчада кетаяпману кўз ўнгимда бояги воқеа. Хаёлан танноз жувонни Каримахонга таққослайман. Бордию у тирик бўлганида нима дерди?

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

Тиббий ўгитлар

# ҲАММОМ ВА САЛОМАТЛИК

***Ўрта асрларда ҳаммомдан вабога қарши курашда фойдаланишган. Маълумотларга қараганда араб сайёҳи Ибн Дазнанинг ҳаммом ҳақидаги қўлёзмалари дастлабки манбалар ҳисобланади. Ҳаммомнинг киши саломатлигига таъсирини Абу Али ибн Сино яхши тасвирлаб берган.***

Халқ табобатида ҳаммом иссиғидан қадим-қадимдан юқори нафас йўллари яллиқланишида даволаш воситаси сифатида фойдаланиб келинади. Ҳафтасига камида бир марта ҳаммомга тушган кишиларда шамоллаш касалликлари жуда кам учрайди. Юқори нафас йўллари яллиғланишининг дастлабки босқичида хусусан ҳаммомнинг иссиғи жуда яхши самара беради. Бронхит, сурункали шамоллаш, бурун-томоқ катарида ҳам ҳаммом иссиғидан фойдаланиш маслаҳат берилади. Ҳаммомнинг қуруқ иссиғи таъсирида бронхоспазмалар камайиши билан беморларнинг йўтали тўхтайди, нафас олиши, ўз навбатида уйқу ҳам яхшиланади. Одам ўзини тетик ҳис қилади. Демак, ҳафтада бир марта ҳаммомнинг буғхонасига тушиб туриш йўли билан тумов, нафас йўллари яллиқланиши, грипп ва шу кабиларнинг олдини олиш мумкин.

Абу Али ибн Синонинг ёзишича, ҳаммомга наҳорда тушиш одамни оздириб, танасини заифлаштириб юборади. Халқ табобатида ҳаммом скелет-мускул тизими ва периферик асаб тизими сурункали касалланганда энг яхши даволаш воситаси ҳисобланади. Ревматизм билан оғриган баъзи касалликларни даволашда турли дори-дармонлар билан бир қаторда, ҳаммомга тушиш ҳам яхши ёрдам беради.

Ҳаммом таъсирида танада ёғлар яхши ўзлаштирилади, деган фикрлар ўтган асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Унинг иссиғи таъсирида ҳазм қилиш органларига яхши таъсир қилиши устида ўтказилган тадқиқотларга кўра ҳаммом иссиғининг овқат ҳазм қилиш аъзоларига яхши таъсир қилишини кўрсатди. Ҳаммомдан чиққандан кейин ярим соат ўтгач текширилган беморларда меъда ширасининг ажралиши кучайган.

Мутахассисларнинг фикрича ҳаммом уйқусизлик ва иш қобилияти пасайиб кетганда яхши таъсир этиши билан бирга иштаҳани очади, киши кайфиятини кўтариб, дилини равшан қилади.

Беморлар ҳаммом иссиғидан фақат шифокор маслаҳати билан физиотерапевтик восита сифатида фойдаланиши мумкин. Иссиқ ҳаммомда узоқ муддат бўлиш ярамайди, чунки юрак қон-томир тизимини зўриқтириши мумкин.

Ҳаммом соғлом танани чиниқтиришнинг кенг тарқалган ҳаммабоп усулидир. Унда душ суви урилишининг ўзиёқ терига чиниқтирувчи таъсир кўрсатади. Шамоллаш ва грипп кўплаб учрайдиган айни шу кунларда ҳаммомдан фойдаланиш барча учун муҳим аҳамият касб этади.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-094. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6